

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМЕДСАИДОВА ИРОДА АБДУВАҲОБ ҚИЗИ

ИККИЛАМЧИ БЕЗОВТА ОЁҚЛАР СИНДРОМИНИ КЛИНИК-БИОХИМИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мухамедсаидова Ирода Абдуваҳоб қизи Иккиламчи безовта оёқлар синдромини клиник-биохимик хусусиятлари.....	3
Мухамедсаидова Ирода Абдуваҳоб кизи Клинико-биохимические особенности вторичного синдрома беспокойных ног.....	25
Mukhamedsaidova Iroda Abduvakhob kizi Clinical and biochemical features of secondary restless legs syndrome.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	54

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМЕДСАИДОВА ИРОДА АБДУВАҲОБ ҚИЗИ

ИККИЛАМЧИ БЕЗОВТА ОЁҚЛАР СИНДРОМИНИ КЛИНИК-БИОХИМИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib3811 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раймова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____»
куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-йй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-йй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра¹, экстрапирамида тизими касалликлари тоифасига кирувчи безовта оёқлар синдроми замонавий тиббиётнинг тобора долзарб муаммосига айланиб бормоқда. Бу ҳолатлар нафақат харакат тизимиға оид, балки уйқу бузилишлари ва безовта оёқлар синдроми каби неврологик синдромларни ҳам ўз ичига олади. Безовта оёқлар синдроми (БОС) - кўп учрайдиган неврологик касалликлардан бири бўлиб, уйқу ва уйғоқликнинг циркад ритмининг бузилиши билан боғлиқ ва ўзига хос сенсомотор алломатлар билан намоён бўлади. БОСнинг тарқалиш частотаси ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ ва Европа давлатларида ўрта ёшли аҳолининг таҳминан 5-11% ни, Осиё мамлакатларида эса бироз пастроқ 0,1% дан 1,5% ни ташкил этади. БОС етарлича кенг тарқалган, аммо камдан-кам ҳолларда ташхис қўйиладиган патология хисобланади. Бу ҳолат мазкур муаммонинг долзарб ва ечим талаб этувчи соғлиқ муаммоси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Жаҳонда бугунги кунда иккиламчи безовта оёқлар синдромини эрта ташхислаш, хавф омилларини эрта аниқлаш ҳамда индивидуаллаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича фаол илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу синдромни ўз вақтида аниқлаш орқали уйқу сифатини яхшилаш, депрессия ҳолатларини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини оширишга эришилади. Шу муносабат билан синдромнинг патогенетик механизмларини чуқур ўрганиш унинг ривожланишига таъсир этувчи биомаркерларни аниқлаш ҳамда клиник кўрсаткичлар асосида индивидуал даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиёт олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бундай тадқиқотлар натижасида биомаркерларга таянган ташхис алгоритмлари яратилиб, бу эса касалликнинг ривожланиш динамикасини баҳолаш, патогенетик жараёнларни чуқурроқ англаш ҳамда муқобиллашган даволаш мезонларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар доирасида неврологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, мазкур хасталиклар билан оғриган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммаболлигини ошириш, шунингдек, тиббий

¹ <https://www.who.int/news/item/14-03-2024-over-1-in-3-people-affected-by-neurological-conditions--the-leading-cause-of-illness-and-disability-worldwide>

стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш”² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида иккиламчи безовта оёқлар синдромининг клиник-намоён бўлиш хусусиятлари, патогенетик механизмлари ва биокимёвий ўзгаришларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг ташҳиси ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни босқичли давом эттириш тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши -нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, безовта оёқлар синдромини келтириб чиқарувчи хавф омиллар, клиник кечиши, оғирлик даражалари, касалликни даволаш ва олдини олиш мезонларини ишлаб чиқиш масаласи кўп йиллар давомида тадқиқотчиларнинг эътибор марказида бўлиб келган. Ушбу синдромнинг иккиламчи шакли кўпинча темир модда алмашинувининг бузилиши, сурункали буйрак касаллиги, қандли диабет, ревматологик касалликлар,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

ҳомиладорлик ва турли полинейропатиялар билан боғлиқлиги сабабли кенг ўрганилган. Жаҳон адабиётларида иккиламчи БОСнинг патогенезида асосий ўрин миядаги темир етишмовчилиги ва дофаминергик тизим дисфункциясига берилади. Функционал нейровизуализация усуллари ва биокимёвий таҳлиллар натижасида қора модда, путамен ва таламус каби мия тузилмаларида темир ва ферритин миқдорининг камайиши, шунингдек, дофамин рецепторлари ҳамда нейротрансмиттер тизимларининг фаолиятидаги бузилишлар кузатилгани аниқланди. (Allen R.P., et al., 2018; Connor J.R., et al., 2020).

Айрим тадқиқотларда бу синдромнинг оғирлиги қон зардобидаги ферритин, трансферрин ва гемоглобин даражалари билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган (Winkelmann J., et al., 2017). Шу билан бирга, фолат ва магний етишмовчилиги ҳам клиник белгиларни кучайтириши мумкинлиги қайд этилган. Терапевтик йўналишлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар иккиламчи БОСда темир препаратлари билан даволаш самарадорлигини кўрсатган (Earley C.J., et al., 2019). Баъзи ҳолларда дофамин агонистлари, альфа-2-дельта лигандлари ва темир билан биргаликдаги комплекс даволаш қўлланилган. Нофармакологик усуллардан жисмоний машқлар, транскраниал магнит стимуляция ва физиотерапия самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд (Manconi M., et al., 2021).

Ўзбекистонда ҳам БОСнинг клиник кечиши, патогенези бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, бирламчи ва иккиламчи БОСнинг патогенетик механизмлари (IL-6, HIF-1, VEGF, минерал моддалар, витаминлар) чуқур ўрганилган ва даволаш оптималлаштирилган(жинсга, коморбид касалликларни хисобга олган холда) (Ёдгарова У.Г., Раимова М.М., 2025;). Шуни қайд этиш керакки, мавжуд изланишлар иккиламчи БОСнинг клиник ва биокимёвий хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этса -да, патогенетик механизмлар ва биомаркерлар тўлиқ очиб берилмаган. Беморларда эрта ташхис мезонлари, лаборатория кўрсаткичлари билан клиник белгилари ўртасидаги боғлиқлик ва самарали даволаш усулларини аниқлаш соҳасида ҳал қилинмаган муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Шу боис, ушбу йўналишда комплекс клиник-биокимёвий тадқиқотларни давом этириш келгусидаги илмий изланишлар учун долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252 “Безовта оёқлар синдромининг клиник-патогенетик жиҳатлари” (2019-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромининг

неврологик, нейрофизиологик, биокимёвий ва нейропсихологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромининг дифференциал диагностик хусусиятларини аниқлаш;

иккиламчи безовта оёқлар синдромининг оғирлик даражаларини беморларнинг психоэмоционал ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

иккиламчи безовта оёқлар синдроми оғирлик даражаси ва мелатонин, гомоцистеин миқдори ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш;

иккиламчи безовта оёқлар синдроми оғирлик даражасини цистатин С миқдори билан боғлиқлигини баҳолаш;

безовта оёқлар синдромини этиопатогенетик подтипларини инобатга олган холда оптималлашган даво мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти 38 ёшдан 80 ёшгacha бўлган 149 нафар беморлар бўлиб, уларнинг 69 нафар сурункали буйрак касаллиги фонидаги БОС ва 33 нафар қандли диабет фонидаги БОС, иккинчи гуруҳни БОС ташхиси мавжуд бўлмаган 24 нафар сурункали буйрак касаллиги ва 23 нафар қандли диабет касаллиги бор беморлар ташкил этган. Шу билан бир қаторда 20 нафар соғлом кўнгилли шахслар назорат гуруҳи сифатида тадқиқотга жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-неврологик, биокимёвий, нейрофизиологик ва нейропсихологик бузилишлар жараёнини ўрганиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган иккиламчи безовта оёқлар синдромини кечиши, оғирлик даражаларини баҳолаш учун клиник неврологик текширув, нейропсихологик (IRLS, JHRLSS, HADS, MOS SF-36, Epworth Sleepiness Scale (ESS), SATED шкалалари, PLMS Clinical Screening Checklist тести) қон биокимёвий таҳлили (мелатонин, цистатин С, гомоцистеин) нейрофизиологик текширув хulosалари ва натижаларга статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромининг дифференциал диагностик хусусиятлари, касалликнинг кечиши, оғирлик даражаси, беморларнинг уйқу ва неврологик функцияларга, психоэмоционал фонга ҳам салбий таъсири аниқланган;

иккиламчи безовта оёқлар синдромининг оғирлик даражаси билан биокимёвий маркер гомоцистеин миқдори ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган;

сурункали буйрак касаллиги фонидаги безовта оёқлар синдроми ривожланишида биокимёвий маркер цистатин С нинг миқдори динамик ўзгариши касалликнинг оғирлашувини прогностик баҳолашга лаёқатли сезгир биомаркер экани исботланган;

сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромида такомиллаштирилган даво мезонларини қўллаш касалликнинг оғирлик даражасини пасайтириши ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабетда иккиламчи безовта оёқлар синдромини беморларда ривожланиш хавфини белгилайдиган турли омилларга кўра - клиник, нейрофизиологик ва лаборатория маълумотларини клиник дифференциаллашган ҳолда баҳолаш таклиф этилган;

IRLS, JHRLSS, HADS, MOS SF-36, Epworth Sleepiness Scale (ESS), SATED шкалалари, PLMS Clinical Screening Checklist тести безовта оёқлар синдромини эрта клиник босқичда аниқлашда ишончли баҳолаш воситаси сифатида амалиётда қўллаш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар замонавий клиник, инструментал, нейропсихологик тадқиқот усулларидан фойдаланилгани, шунингдек, кўриб чиқилган беморлар сонининг етарли даражада бўлгани, иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларда ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган ёндашувнинг самарали қўллангани, статистик таҳлил усулларидан унумли фойдаланилгани, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан эришилган натижалар билан чуқур таққослаб таҳлил қилингани, чиқарилган хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани тадқиқотнинг асослигини янада мустаҳкамлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот доирасида иккиламчи БОСнинг клиник кечиши коморбид омиллар, биокимёвий маркерлар гомоцистеин, мелатонин, цистатин С кўрсаткичлари ва нейропсихологик ўзгаришлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланиб, иккиламчи БОС симптомларининг оғирлиги ва биомаркер даражалари, асосий касалликнинг оғирлик даражалари ўртасидаги корреляция, комплекс даволашнинг ўрни илмий жихатдан очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган клиник тавсияларни амалиётга жорий этиш иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларнинг ташхис ва даволаш жараёнларини самарали ташкил этиш, бирламчи бўғин шифокорларига юқори хавф гуруҳига киравчи

беморларни эрта аниқлаш ва саралаш, махсус неврологик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан касалланган bemорларни эрта ташхислаш, улардаги психоэмоционал бузилишларни олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромининг дифференциал диагностик хусусиятлари, касалликнинг кечиши, оғирлик даражаси, bemорларнинг уйқу ва неврологик функцияларга, психоэмоционал фонга таъсирини аниқлашга қаратилган диагностика стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2025йил 26 мартағи 6-7 сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Иккиламчи безовта оёқлар синдромини эрта ташхислашни такомиллаштириш” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт маркази бўйича 03.05.2025 йилдаги 11-01/12 -сон ва Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси 08.05.2025йилдаги 131-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. **Ижтимоий самарадорлиги:** таклиф этилаётган усул ҳаёт сифатини яхшилаш, реабилитация жараёнларини такомиллаштириш шунингдек, ногиронлик даражасини камайтиришга қаратилган. **Иқтисодий самарадорлиги:** стационар шароитда даволанаётган сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида безовта оёқлар синдроми мавжуд bemорларда касалликни эрта ташхислаш алгоритмини яратиш ва бунинг мезонида эрта даволаш чоратадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш, ҳаёт сифати, жисмоний фаоллик ва руҳий ҳолатнинг яхшиланиши, тиббий хизматнинг нархини камайиши туфайли 5100000 сўм иқтисод қилинади. **Хулоса:** ҳаёт сифати ва психоэмоционал бузилишлари бор bemорлар бир йил давомида 2 маротаба 10 кун давомида касалхонада даволаниши лозим. Бунда ҳар бир bemор учун тежаладиган ҳаражат 4092500 минг сўмни ташкил этади. Ушбу илмий янгиликни иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан касалланган bemорларда қўллаш орқали бир bemор учун 4092500 сўмни иқтисод қилишга эришилган.

Иккинчи илмий янгилик: иккиламчи безовта оёқлар синдромининг оғирлик даражаси ва биокимёвий маркер гомоцистеин миқдори ўртасидаги тўғри корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2025 йил 26 мартағи 6-7 сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Иккиламчи безовта оёқлар синдромини эрта ташхислашни такомиллаштириш” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий

тиббиёт маркази бўйича 03.05.2025 йилдаги 11-01/12 - сон ва Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси 08.05.2025 йилдаги 131-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг оғирлик даражаси ва давларига мос равишда даволаш тактикасини танлаш, касалликнинг оғирлашишини камайтиришга, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда даволанаётган сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида иккиламчи безовта оёқлар синдроми мавжуд беморларда касаллик симптомларининг бошланғич давридаёқ ташҳислаш алгоритми ва қон биомаркерлари асосида, дифференциаллашган ҳолда ташҳис қўйишга ва ногиронликни жадаллашишини олдини олишга хизмат қилади. *Хулоса:* бунинг мезонида эрта ташҳислаш ва даволаш чора-тадбирларининг ўз вақтида олиб борилиши ва тўғри танланиши касалликнинг авж олишини олдини олиб, касаллик белгиларининг камайиши ва шу тариқа ҳаёт сифати ва уйку сифатини яхшиланиши, ногиронлик кўрсаткичларини, стационарда даволаниш муддатларини камайтиради, молиявий харажатларни қисқартиради.

учинчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги фонидаги безовта оёқлар синдроми ривожланишида биокимёвий маркер цистатин С нинг миқдори динамик ўзгариши касалликнинг оғирлашувини прогностик баҳолашга лаёқатли сезгир биомаркер экани илмий асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2025 йил 26 марта 6-7 сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Иккиламчи безовта оёқлар синдромини эрта ташҳислашни такомиллаштириш” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт маркази бўйича 03.05.2025 йилдаги 11-01/12 - сон ва Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси 08.05.2025 йилдаги 131-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг давларига мос равишда даволаш тактикасини танлаш, касалликнинг авж олишини камайтиришга, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* иккиламчи безовта оёқлар синдроми мавжуд беморларда эрта давларидаёқ дифференциаллашган ҳолда ташҳислаш алгоритмини яратиш тиббий ёрдам кўрсатишда молиявий харажатларни камайтириш, беморларни тиббиёт ходимларига такорий ташрифини қисқартириш имконини беради. *Хулоса:* касалликнинг эрта босқичларида даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни ривожланиб кетишини олдини олиш ва симптомларнинг камайиши ёки бартараф этилишига эришиш орқали тиббий хизматнинг нархи камаяди, шу туфайли 1 нафар беморга 4092500 сўм бюджет маблағидан иқтисод қилинади.

тўртингчى илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдромида такомиллаштирилган даво мезонларини қўллаш касалликнинг оғирлик даражасини пасайтириши ва ҳаёт сифати қўрсаткичларини ошириши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2025 йил 26 марта 6-7 сонли кенгashi қарори билан тасдиқланган “Иккиламчи безовта оёқлар синдромини эрта ташхислашни такомиллаштириш” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт маркази бўйича 03.05.2025 йилдаги 11-01/12 -сон ва Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси 08.05.2025 йилдаги 131-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг барча босқичларида даволашни оптималлаштириш ҳамда беморларда ногиронлик даражасини камайтириш ва уни олдини олишга қаратилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда даволанаётган сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида иккиламчи безовта оёқлар синдроми мавжуд беморларда оптималлашган комплекс даво чора-тадбирларининг олиб борилиши касаллик симптомларининг камайиши ёки регрессиясини таъминланиши натижасида тиббий хизматнинг нарҳини камайиши туфайли 4092500 сўм иқтисод қилинади. *Хулоса:* сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида ривожланган безовта оёқлар синдроми мавжуд беморларда даволашнинг оптималлаштирилган комплекс усулини қўллаш беморлар стационар шароитларда даволанганда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келди. Касалликнинг даволаш муддати 2 баробаргача қисқариб, бюджет маблағларининг тежалиши ҳар 1 беморга нисбатан 4092500 сўмни иқтисод қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманд, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хуласалар, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидә диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Адабиётлар шарҳи. Иккиламчи безовта оёқлар синдромини тарқалиши, этиопатогенези, диагностикаси, классификацияси ва даволаш усулларининг замонавий тамойиллари” номли биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилинди, муаммонинг ҳозирги ҳолати ўрганилди ва СБК ва қандли диабет фонида ривожланадиган БОС ҳақида кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилди. СБК ва қандли диабет фонида ривожланадиган БОС патофизиологияси (ривожланиш механизмлари) назарий ва услубий асослари кўриб чиқилди, касалланиш кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар, касаллик кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш механизмлари келтирилган. Иккиламчи БОСни эрта ташхислаш ва баҳолашда биомаркерларнинг потенциал ўрни ҳақидаги янги маълумотлар ва қўлланиладиган даволаш усуллари ҳақида маълумотлар ҳам муҳокама қилинади.


Диссертациянинг “Иккиламчи безовта оёқлар синдромида клиник -биокимёвий, нейропсихологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни баҳолаш материал ва усуллари” номли иккинчи бобида тадқиқот материали ҳисобланган беморларни тадқиқотга жалб қилиш ва истисно этиш мезонлари ҳамда текширилган беморлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Клиник маълумотларни таҳлил қилиш орқали СБК ва қандли диабет билан оғриган беморларда БОСнинг ривожланиши ва кечишининг асосий қоидалари аниқланди, шунингдек, диагностика учун оптимал усуллар белгиланди. Тадқиқотда Тошкент давлат тиббиёт университети Кўп тармоқли клиникаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказида стационар даволанган ва кейинчалик амбулатор кузатувда бўлган 38 ёшдан 80 ёшгacha бўлган ($55,7 \pm 1,7$ ўртача ёш) 149 нафар бемор қатнашди. Барча беморлар 2 та гуруҳга ажратилди:

Асосий гуруҳ ($n=102$) – сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонида безовта оёқлар синдроми бўлган беморлар;

Таққослаш гуруҳи ($n=47$) – безовта оёқлар синдроми бўлмаган сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет билан оғриган беморлар.

Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи яна 2 та кичик гуруҳларга бўлинди. Асосий гуруҳдаги сурункали буйрак касаллиги фонида БОС мавжуд беморлар гуруҳи ўз навбатида яна иккита гуруҳчага ажратилди. Диализгача ва диализ фонидаги: 1-гуруҳ- БОС мавжуд бўлган асосий bemорлар гуруҳи: 1A гуруҳ- 69 нафар сурункали буйрак касаллиги фонида БОС мавжуд бўлган bemорлар гуруҳи: 1A₁ 39 нафар диализгача СБК фонида БОС мавжуд bemорлар (ўртача ёш $49,4\pm1,7$ ёш). 1A₂ 30 нафар диализ фонидаги СБК фонида БОС мавжуд bemорлар ($52,3\pm1,9$ ёш). 1B гуруҳ- 33 нафар қандли диабет фонида БОС мавжуд bemорлар ($62,9\pm1,6$ ёш). 2 – гуруҳ БОС мавжуд бўлмаган таққослаш гуруҳи: 2A гуруҳ – сурункали буйрак касаллиги ташхиси билан БОС мавжуд бўлмаган bemорлар ($53,2\pm1,8$ ёш). 2B гуруҳ – қандли диабет ташхиси билан БОС мавжуд бўлмаган bemорлар ($61,1\pm1,8$ ёш). 3-гуруҳ (назорат гуруҳи) – 20 нафар нисбатан соғлом шахслар, клиник-неврологик БОС белгилари мавжуд эмас ($57,7\pm2,9$).

Тадқиқотда иштирок этган шахслар ёшга кўра беш тоифага ажратилди ва гуруҳлар таркиби ушбу тоифалар бўйича солиширилиб, демографик хусусиятлари таҳлил қилинди. СБК диализгача БОС гуруҳи нисбатан ёш контингент билан характерланиб, ёшлик тоифаси 38,5% ва ўрта ёш тоифаси 43,6% ни ташкил этди, СБК диализ фонидаги БОС гуруҳида ёшлик 26,7%, ўрта ёш 43,3% ва катта ёш 26,7% тоифалари мувозанатли тақсимланди. ҚД БОС гуруҳи энг кекса контингентдан иборат бўлиб, катта ёш тоифаси 63,6% ва қарилик тоифаси 9,1% бўлган, ёшлик тоифаси эса бор-йўғи 3% ни ташкил этди. 2A гуруҳида ўрта ёш 50%, ёшлик ва катта ёш тоифалари 25% дан кузатилди. 2B гуруҳида ҳам катта ёш тоифаси устунлик қилиб 56,5% ни, ўрта ёш 34,8% ни ташкил этди. Назорат гуруҳидагиларнинг 50% катта ёш тоифасига мансуб бўлиб, ўрта ёш 30% ва ёшлик 20% ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши


Барча bemорларга комплекс текширув ўтказилди, бунинг учун клинико-неврологик таҳлил, БОСни клиник оғирлик даражасини аниқлашда IRLS ва JHRLSS шкалалари, психоэмоционал бузилишларни ўрганиш учун госпитал хавотир ва депрессия шкаласи HADS, ҳаёт сифатини баҳолаш учун MOS SF-36, кундузги уйқучанлик ва уйқу сифатини баҳолаш учун Epworth ва SATED шкалаларидан,

уйқудаги даврий ҳаракатлар синдроми даражаларини баҳолаш учун PLMS Clinical Screening Checklist тестидан фойдаланилди. Инструментал ва лаборатор текширувлардан ЭНМГ текшируви ва қонда мелатонин, цистатин С, гомоцистеин иммунофермент таҳлили қўлланилди.

Статистик маълумотларни таҳлил қилишда параметрик ва нопараметрик усуллар қўлланилди: гуруҳлар орасидаги фарқларни текшириш учун Стъюдент; параметрлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун Пирсон ёки Спирменнинг ранг корреляция таҳлили; категорияли маълумотларни текшириш учун Пирсоннинг χ^2 ва Фишер критерийлари ишлатилди.

Диссертациянинг “Иккиламчи безовта оёқлар синдромининг клиник ва параклиник тавсифи” номли учинчи бобида СБК ва қандли диабет фонида ривожланган иккиламчи безовта оёқлар синдроми мавжуд bemорларнинг клиник белгилари, неврологик статус ҳолати, оғирлик даражалари, уйқу бузилишлари таҳлил қилинди.


Иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан боғлиқ клиник белгилар таҳлил қилинганда турли гуруҳларда клиник кўринишлар турлича намоён бўлди (2-расм).



2-расм. БОС клиник белгиларининг тақсимланиши

СБК диализгача бўлган bemорлар гуруҳида уйқуга кетишдаги қийинчилик (79,5%) ва тунда юришга эҳтиёж (92,3%) энг кўп учраган белгилардан бири бўлди. СБК диализ фонидаги гуруҳда ҳам юқоридаги клиник белгиларни кўп кузатилганини кўришимиз мумкин. Қандли диабет фонида ривожланган БОС гуруҳда кундузги уйқучанлик (69,7%) ва тунда юришга эҳтиёж (66,7%) кўп учраган белгилардан бўлди. Таққослаш гуруҳларида СБК БОСсиз ва ҚД БОСсиз гуруҳларда ушбу клиник симптомлар анча кам кузатилиб, кундузги уйқучанлик умуман қайд этилмади. Таҳлил натижалари БОС билан боғлиқ уйқу бузилишлари ва ҳаракат симптомлари асосий гуруҳларда таққослаш гуруҳларига нисбатан сезиларли юқори эканлиги тасдиқланди ($p<0,01$ – $p<0,001$). Шундай қилиб, натижалардан кўриниб турибдики, СБК ва қандли диабет фонида ривожланган БОС уйқунинг жиддий бузилиши ва оёқлардаги дискомфорт билан кечиши, статистик жиҳатдан аҳамиятли тарзда БОСсиз гуруҳлардан фарқ қилиши билан ажралиб туради.

Тадқиқот давомида неврологик статус ҳусусиятлари ҳам ўрганилди. СБК диализгача бўлган беморлар ва СБК диализ фонидаги беморлар гуруҳида асосан вегетатив дисфункция (66,7%) ва бош мия қон айланишининг сурункали бузилиши билан боғлиқ неврологик ўзгаришлардан БМНнинг заарланиши (70,0%) ва патологик рефлекслар (66,7%) юқори даражада сақланиб қолган(3-расм). Қандли диабет фонида ривожланган БОС гуруҳда энг кўп сезги бузилишлари (87,9%), пай рефлексларининг йўқолиши (69,7%) қайд этилиб, БМНнинг заарланиши (42,4%) ҳолларда, патологик рефлекслар эса (30,3%) ва вегетатив бузилишлар эса нисбатан камроқ (15,2%) ҳолларда қайд этилган.



3-расм. Неврологик статус ҳусусиятлари

Таққослаш гуруҳларида эса СБК БОСсиз беморлар гуруҳида энг кўп вегетатив бузилишлар (66,7%), қандли диабет БОСсиз беморлар гуруҳида эса пай рефлексларининг йўқолиши (73,9%) ва сезги бузилишлари жуда юқори (95,7%) ҳолларда қайд этилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки СБК фонида ривожланган БОСда кўпроқ вегетатив бузилишлар, диабет фонида ривожланган БОСда эса периферик сенсор ва мотор нейропатия устунлик қилади.

БОСнинг клиник оғирлик даражасини аниқлаш учун IRLS шкаласи таҳлил қилинганда СБК диализгача бўлган беморларда БОСнинг ўрта оғир шакли (56,4%) кузатилди, СБК диализ фонидаги гуруҳда эса БОСнинг оғир (43,3%) ва ўта оғир (20%) шакллари устунлик қилди (жами 63,3%) (1-жадвал).

1-жадвал IRLS-шкаласи бўйича безовта оёқлар синдромининг клиник оғирлик даражаси


Оғирлик даражалари	1A ₁ груп n=39		1A ₂ груп n=30		1Б груп n=33	
	%	абс	%	абс	%	абс
Енгил	15,4%	6	10%	3	15,2%	5
Ўрта оғир	56,4%	22	26,7%	8	39,4%	13
Оғир	17,9%	7	43,3%	13	33,3%	11
Ўта оғир	10,3%	4	20%	6	12,1%	4

Қандли диабет фонида ривожланган БОС гуруҳ беморларида

асосан ўрта оғир (39,4%) ва оғир (33,3%) шакллари кузатилди.

JHRLSS (Johns Hopkins Restless Legs Syndrome Severity Scale) шкаласи ёрдамида БОС оғирлик даражалари таҳлил қилинганда, олинган натижаларда юқоридагидек тенденция қайд этилди Ушбу маълумотлар БОСнинг оғирлик даражалари этиологик омилларга боғлиқ равишда фарқланишини кўрсатиб, СБКда, айниқса, диализ босқичида, клиник кечишнинг оғирроқ эканлигини, қандли диабетда эса микроваскуляр ва нейропатик механизмлар асосий роль ўйнашини тасдиқлайди.

Уйқудаги оёқларнинг даврий ҳаракатлари (УДҲС) модернизация қилинган клиник скрининг тести PLMS Clinical Screening Checklist ёрдамида баҳоланди (4-расм).




4-расм. Уйқудаги даврий ҳаракатлар синдроми даражалари

4-расм маълумотлари УДҲСнинг оғирлик даражалари уч гуруҳда турлича тақсимланганини ва мотор-ретикулоспинал дисфункцияниң намоён бўлиш хусусиятлари bemорлар гуруҳига қараб фарқланишини ҳам кўрсатади. Енгил УДҲС даражалари энг кўп диализгача СБК БОС гуруҳида қайд этилди. Қандли диабет фонидаги БОС гуруҳида УДҲС ўртача даражаси энг кўп учради (60,6%). Яққол УДҲС даражалари энг кўп диализ фонидаги СБК БОС гуруҳида учради. Уйқудаги даврий ҳаракатлар синдроми даражалари гуруҳлар кесимида сезиларли фарқланди. Диализ фонидаги СБК БОС гуруҳида оғир УДҲСнинг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилиб, УДҲСнинг энг клиник аҳамиятли шакли айнан шу гуруҳда намоён бўлди. Қандли диабет фонида БОС мавжуд bemорларда УДҲСнинг ўртача оғирликдаги даражаси устун, бу диабетик нейропатия билан боғлиқ мотор тартибсизликларнинг УДҲСга хос ритмли намоён бўлиши билан изоҳланади. Бу натижалар УДҲСнинг патогенези, унинг клиник хусусиятлари ва соматик фон билан боғлиқлиги хусусида қимматли маълумот беради ва кейинги статистик таҳлиллар учун мустаҳкам асос бўлади.

Беморларда уйқу бузилишлари хусусиятлари ҳам баҳоланди. Epworth шкаласи ёрдамида кундузги уйқучанлик даражасини баҳоланганда СБК диализгача бўлган bemорлар гуруҳида уйқу бузилишлари асосан ўртача даражада (56,4%) намоён бўлган, СБК диализ фонидаги гуруҳ bemорларида эса уйқу бузилишлари асосан оғир (46,7%) ва ўта оғир (16,7%) шаклларда учраган. Енгил ҳолатлар нисбатан кам (10%), бу диализ жараёни уйқучанликнинг кучайишига

ва уйқу-үйғоқлик цикллари кескин бузилишига олиб келишини тасдиқлайды. Қандли диабет фонида ривожланган БОС гурухыда уйқу бузилишлари қўпроқ ўртача (39,4%) ва оғир (33,3%) даражаларда кузатилган. Енгил ва ўта оғир ҳолатлар ҳам қайд этилган (15,2% ва 12,1%), лекин улар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ($p>0,05$). Таққослаш гурухларида деярли бир хил тенденция, яъни иккала гурухда ҳам деярли барча беморларда енгил даражадаги уйқу бузилишлари кузатилган (91,7% ва 87%), оғир ва ўта оғир ҳолатлар йўқ (5-расм).



5-расм. Epworth шкаласи бўйича уйқучанлик даражаси

Таққослаш гурухларида эса уйқучанликнинг физиологик меъёрда эканини кўриш мумкин. SATED шкаласи ёрдамида уйқу сифати натижалари таҳлил қилинганда Epworth шкаласига мос кўрсаткичлар аниқланди. СБК билан боғлиқ, айниқса диализ фонидаги беморларда, SATED бўйича оғир (46,7%) ва ўта оғир бузилишлар (16,7%) қўпроқ қайд этилди. Қандли диабет фонидаги БОСда уйқу сифати асосан ўртача ва оғир даражада бузилди. Таққослаш гурухларида ҳам асосан енгил бузилишлар аниқланган, бу клиник аҳамиятли патология мавжуд беморларда БОС мавжуд бўлмаса яққол уйқу бузилишлари кузатилмаслигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale) шкаласи ёрдамида беморларнинг психоэмоционал ҳолати текширилди ва гурухлар кесимида таҳлил қилинди. HADS шкаласи орқали олинган натижалар барча клиник гурухларда назорат гуруҳига нисбатан депрессия ва хавотир кўрсаткичлари аҳамиятли даражада юқори эканлигини кўрсатди. Энг юқори кўрсаткичлар СБК диализ фонидаги БОСли беморлар гурухыда кузатилиб, депрессия ($10,2\pm0,29$ балл) ва хавотир ($10,5\pm0,37$ балл) ни ташкил этди. ҚД фонидаги БОСли беморларда ҳам депрессия ($10,1\pm0,34$ балл) ва хавотир ($9,7\pm0,35$ балл) кўрсаткичлари юқори бўлиб, қандли диабетнинг сурункали стресс омил сифатида БОС билан қўшилганда психоэмоционал бузилишларни кучайтириши намоён бўлди. Таққослаш гурухларида ҳам депрессия ва хавотир

кўрсаткичлари юқори бўлса-да, БОС мавжуд гуруҳларга нисбатан пастроқ даражада қайд этилди. Бу эса СБК ва ҚДнинг ўзи ҳам психоэмоционал фонга салбий таъсир кўрсатиши, аммо БОСнинг мавжудлиги бу жараённи янада кучайтиришини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида иккиламчи БОС мавжуд беморларнинг ҳаёт сифати ўрганилди. MOS SF-36 нинг жисмоний компонентлари ўрганилганда асосий гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан барча кўрсаткичларда сезиларли пасайиш кузатилди ($p<0,001$). Хусусан, СБК диализгача БОС мавжуд беморлар гуруҳида жисмоний ҳолатга асосланган фаолият роли (RP) $39,1\pm1,8$ балл, саломатликнинг умумий ҳолати (GH) эса $38,6\pm1,8$ балл бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан яққол паст кўрсаткичлар қайд этилди. Бу натижалар шуни кўрсатадики, СБК ва БОС мавжудлиги жисмоний фаолият ва ҳаётий фаолликни кескин чекланишига олиб келади. Диализ фонидаги беморларда жисмоний кўрсаткичлар янада салбий натижаларни акс эттириб, барча кўрсаткичлар назорат гуруҳидан статистик аҳамиятли даражада паст экани аниқланди ($p<0,001$). Қандли диабет фонидаги гуруҳида кўрсаткичлар нисбатан бир оз юқори бўлса-да, жисмоний фаоллик ва саломатлик умумий ҳолати кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятли даражада пастлиги қайд этилди (RP) $37,4\pm2,3$, (GH) $36,5\pm2,0$. Таққослаш гуруҳларида кўрсаткичлар назорат гуруҳидан паст бўлса-да ($p<0,001$), улар БОС мавжуд гуруҳларга қараганда яхшироқ натижаларни кўрсатди. MOS SF-36 руҳий компонентлар кўрсаткичлари таҳлил қилинганда юқоридаги кўрсаткичларга мос тенденциялар қайд этилди. СБК диализ фонида БОС мавжуд гуруҳларда ва ҚД фонида БОС мавжуд гуруҳларда руҳий саломатлик кўрсаткичлари бошқа гуруҳларга нисбатан энг паст кўрсаткичларни қайд этди. Таққослаш гуруҳларида эса асосий гуруҳларга нисбатан юқорироқ кўрсаткичлар қайд этилди.

Тадқиқотда иккиламчи БОСнинг патогенетик механизмларини қиёсий таҳлили учун биокимёвий маркерлардан-мелатонин, цистатин С ва гомоцистеин танланган бўлиб, улар уйқу жараёни, нейрометаболик ҳолат ва қон-томир тизимидағи патологик ўзгаришларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади (2-жадвал).

2-жадвал

Иккиламчи БОСда биокимёвий маркерлар миқдори даражалари

	Мелатонин пг/мл	Цистатин С мг/л	Гомоцистеин ммоль/л
1A ₁ гуруҳ	$24,9\pm0,63^{***}$	$3,0\pm0,13^{***}$	$31,0\pm1,0^{***}$
1A ₂ гуруҳ	$27,7\pm0,48^{***}$	$2,8\pm0,06^{***}$	$26,8\pm0,55^{***}$
1Б гуруҳ	$36,4\pm0,85^{***}$	$2,0\pm0,048^*$	$30,2\pm0,71^{***}$
2А гуруҳ	$42,9\pm1,5^{***}$	$2,7\pm0,10^{**}$	$22,6\pm0,77^{***}$
2Б гуруҳ	$49,1\pm2,4^{***}$	$1,4\pm0,09$	$21,8\pm0,75^{***}$
Назорат гуруҳи	$83,0\pm3,7$	$0,74\pm0,051$	$11,0\pm0,70$

^{*}- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли ($^*P<0,05$; $^{**}P<0,01$; $^{***}P<0,001$).

Натижалар шуни күрсатдиди, цистатин С миқдори сурункали буйрак касаллиги мавжуд гурухларда юқори. Гомоцистеин барча гурухларда кескин ошган, айниқса диализгача СБК фонидаги БОС ва қандли диабет фонидаги БОС, бу БОСда эндотелиал дисфункция ва нейротоксик стресснинг марказий механизм эканини тасдиқлайди. Мелатонин барча клиник гурухларда кескин паст, айниқса диализгача СБК фонидаги БОС ва диализ фонидаги СБК БОС гурухларда. Бу циркад ритм ва уйқу мотор бошқарув тизимининг БОСда аҳамиятли роли борлигини күрсатади. БОСли гурухлар (1A₁, 1A₂, 1B) гомоцистеин, цистатин С, мелатонин ўзгаришларининг энг юқори комбинациясига эга, бу клиник оғирлик билан юқори корреляцияни күрсатади. БОСсиз гурухларда (2A, 2B) метаболик ўзгаришлар мавжуд, аммо даражаси паст, бу БОС патогенезида қўшимча марказий ва периферик нейрорегулятор механизмлар иштирок этишидан далолат беради.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида иккиламчи БОС билан оғриган беморларда ЭНМГ текширувлар натижалари гурухлар кесимида ўрганилди. ЭНМГ тадқиқотлар натижаларига кўра, БОС билан оғриган беморларда мотор ва сенсор аксон фаолиятида статистик жихатдан аҳамиятли ўзгаришлар аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Иккиламчи БОС bemорлардаги ЭНМГ кўрсаткичлари

Гурух	Нерв	ИЎТ (м/с)	Дистал латентлик (м/с)	М жавоб (мВ)	Сенсор жавоб (мкВ)
1A1 гурух, n=23	n. peroneus	41,9 ± 0,48***	5,2 ± 0,10**	4,0 ± 0,38***	
	n. tibialis	40,4 ± 0,52***	5,3 ± 0,11**	3,3 ± 0,41***	
	n. suralis	45,2 ± 1,8*	—	—	5,0 ± 0,32*
1A2 гурух, n=18	n. peroneus	42,1 ± 0,38***	4,9 ± 0,03*	4,4 ± 0,34***	
	n. tibialis	41,8 ± 0,40***	5,0 ± 0,05*	3,8 ± 0,38***	
	n. suralis	44,9 ± 1,6*	—	—	5,2 ± 0,31*
1B гурух, n=19	n. peroneus	39,1 ± 0,45***	5,4 ± 0,07**	3,2 ± 0,34***	
	n. tibialis	38,9 ± 0,49***	5,6 ± 0,09**	3,4 ± 0,35***	
	n. suralis	32,8 ± 1,4***	—	—	3,4 ± 0,28***
2A гурух, n=14	n. peroneus	43,5 ± 0,44*	4,7 ± 0,04*	4,5 ± 0,24*	
	n. tibialis	41,5 ± 0,45*	4,8 ± 0,06*	4,8 ± 0,27*	
	n. suralis	42,5 ± 1,7*	—	—	4,4 ± 0,28*
2B гурух, n=13	n. peroneus	39,8 ± 0,51***	5,5 ± 0,09*	4,3 ± 0,37*	
	n. tibialis	38,7 ± 0,51***	5,6 ± 0,09*	4,1 ± 0,36*	
	n. suralis	37,9 ± 1,9**	—	—	3,5 ± 0,32**
Назорат гурухи	n. peroneus	50,9 ± 2,3	4,5 ± 0,04	6,1 ± 0,56	

n=20	n. tibialis n. suralis	47,9 ± 2,1 49,4 ± 2,3	4,9± 0,06	7,3 ± 0,63	5,7 ± 0,48
------	---------------------------	--------------------------	-----------	------------	------------

Изоҳ: *-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

ҚД фонида БОС мавжуд беморларда ва ҚД БОСсиз bemорларда барча нервлар бўйича ЭНМГ кўрсаткичлари кескин пасайиши аниқланди. ҚД фонида БОС мавжуд bemорларда ЭНМГ кўрсаткичлари энг салбий бўлиб, n. peroneus ИЎТ $39,1\pm 0,45$; n. tibialis ИЎТ $38,9\pm 0,49$; дистал латентликнинг ошиши ($5,4\pm 0,07$ - $5,6\pm 0,09$) мос равишда, бу демиелинизация билан кечувчи диабетик сенсо-мотор нейропатияни кўрсатади. М жавоб амплитудаси $3,2\pm 0,34$ - $3,4\pm 0,35$ мос равишда ва сенсор жавоб $3,4\pm 0,28$; булар биргаликда қўпол аксонал бузилишларни кўрсатади. Хулоса қилиб айтганда, бу гуруҳда гипергликемия оқибатидаги аралаш дегенерация, митохондриал стресс ва микроангиопатия туфайли периферик нерв фаолиятининг чуқур бузилиши кузатилган. Шу сабабли БОС симптомлари қандли диабет фонидаги гуруҳда оғир кечади. Таққослаш гуруҳларида кўрсаткичлар енгилроқ бўлса-да, СБК ва ҚДнинг ўзи ҳам маълум даражада нейропатик ўзгаришларга олиб келиши қайд этилди. Умуман олганда, ЭНМГ таҳлили шуни кўрсатадики, периферик нервлардаги ўзгаришлар БОСли гуруҳларда яққол ва оғирроқ даражада ($p<0,001$) намоён бўлди. Ушбу маълумотлар БОС патогенезида периферик нейропатик бузилишлар марказий ўринда экани ва унинг оғирлиги буйрак етишмовчилиги ёки диабетик нейропатия даражаси билан корреляцияда эканлигини кўрсатади.


Диссертациянинг тўртинчи боби “Иккиламчи безовта оёқлар синдроми билан оғриган bemорларда даволаш самарадорлигини муқобиллаштириш йўллари”га бағишиланган. Ушбу бобда сурункали буйрак касаллиги ва қандли диабет фонидаги БОСни стандарт даволаш: прамипексол (агар бунга қарши кўрсатма бўлса габапентин), нуклеотидлар, витамин В гуруҳи, микроциркуляцияни яхшиловчи, никотин кислота ва комплекс даволаш: СБК фонидаги БОС мавжуд гуруҳларга стандарт давога Глутатион 1200 мг, мелатонин 175 мг+валериана экстракти 133 мг таркибли орал спрей, L-аргинин 100.0, L-аргинин 5 мл-3 махал овкатдан кейин ичишга; ҚД фонида БОС мавжуд гуруҳларга Глутатион 600 мг, мелатонин 175 мг+валериана экстракти 133 мг таркибли орал спрей ва тиоктат кислота 600 мг қўшиб қўллашни самарадорлигини баҳолашга бағишиланган. Таҳлил доирасида иккиламчи БОСнинг оғирлик даражалари, психоэмоционал бузилишлар ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари, биокимёвий кўрсаткичлар (мелатонин, цистатин С, гомоцистейн) динамикаси таққослаб ўрганилди.

БОС оғирлигини баҳолаш учун халқаро тавсия этилган IRLS ва JHRLSS шкалалари натижаларига кўра барча гуруҳларда БОСнинг оғирлик даражалари даводан кейин сезиларли енгиллашган. СБК,

диализгача БОС гуруҳида комплекс даволаш фонида IRLS кўрсаткичлари бўйича енгил клиник шакл 15,4% дан 71,8% гача, ўрта оғир шакл 10,3% дан 25,6% гача ошди, ҳолбуки оғир ва ўта оғир шакллар 17,9% ва 10,3% дан 0% гача камайди ($\chi^2=25,24$; $p<0,001$). JHRLSS кўрсаткичлари ҳам шунга мос равишда ўзгарган: енгил ҳолатлар улуши 15,4% дан 66,7% гача ошган, оғир ва ўта оғир ҳолатлар эса тўлиқ йўқолган. Стандарт даволашда эса шундай кескин динамика кузатилмаган. Енгил ҳолатлар 33,3% атрофида сақланиб, оғир шакллар 2,6% даражада қолган. СБК, диализ фонида БОС гуруҳида комплекс даволаш фонида IRLS кўрсаткичларига кўра енгил ҳолатлар сони 10,0% дан 40,0% гача, оғир шакллар эса 43,3% дан 13,3% гача камайган ($p<0,01$). Бу диализ жараёнидаги метаболик ва оксидант стрессни нейтрализация қилиш орқали БОС симптомларининг пасайиши билан изоҳланади. Стандарт даволаш фонида бундай ўзгаришлар аниқланмади - оғир шакллар статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада ўзгармаган (43,3% дан 40,0%гача), бу эса фақат симптоматик таъсирни кўрсатади. JHRLSS натижалари ҳам шунга мос бўлиб, комплекс даво фонида ўта оғир ҳолатлар йўқолган, ўрта оғир даражада эса 30,0% дан 40,0% гача ошган. Қандли диабет фонида БОС гуруҳида комплекс даволаш фонида IRLS кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланган: енгил ҳолатлар 15,2% дан 51,5% гача, оғир ҳолатлар 33,3% дан 6,1% гача камайган ($p<0,01$). JHRLSS бўйича ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилган: оғир ҳолатлар 33,3% дан 12,1% гача пасайган, ўта оғир ҳолатлар эса йўқолган. Стандарт даво гуруҳида бу ўзгаришлар статистик аҳамиятга эга бўлмаган ($p>0,05$), бу эса симптоматик ечимнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Комплекс даво усули БОС билан касалланган беморларда симптомлар оғирлигини камайтиришда стандарт даволашга нисбатан тахминан 18–20% юқори клиник самарадорликка эга бўлди. Бу натижа IRLS ва JHRLSS шкалаларидаги клиник динамиканинг бир хил тенденция билан яхшиланиши орқали тасдиқланди.

